

ТОШКЕНТ: ТУРКИЙ ТИЛЛИ ДАВЛАТЛАР РАХБАРЛАРИНИНГ IV УЧРАШУВИ

Қардош халқлар дустлиги ва ҳамкорлигини мустақамлашда муҳим омил бўлаётган бу анъанавий учрашувда иштирок этиш учун Озарбойжон Республикаси Президенти Ҳайдар Алиев, Туркия Республикаси Президенти Сулаймон Демирал, Туркменистон Президенти Сапармурод Ниезов, Қирғизистон Республикаси Президенти Аскар Акаев, Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев мамлакатимиз пойтахтига ташриф буюрдилар. Тошкент аэропортида олий мартабали меҳмонларни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов кутиб олди.

21 октябрь куни Дурмон қароргоҳида туркий тилда сузлашувчи мамлакатлар давлат раҳбарларининг олий даражадаги учрашуви бошланди. Ўзбекистон Президенти Ислоҳ Каримов учрашувни очиб деб эълон қилар экан, кун тартибига давлатлараро гуманитар ва савдо-иқтисодий муносабатларни ривожлантириш ҳамда мустақамлашнинг тамойиллари ва ташкилий масалалари ҳақидаги, туркий тилли давлатлар муҳим саналарини байрам қилиш ҳақидаги, шунингдек, Тошкент Декларациясини қабул қилиш ва туркий тилли давлатлар раҳбарларининг навбатдаги учрашуви урни ва муддатини белгилаш тўғрисидаги масалалар кўйилганини маълум қилди.

Қайд этилган масалалар юзасидан Ўзбекистон Президенти Ислоҳ Каримов, Озарбойжон Президенти Ҳайдар Алиев, Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбоев, Қирғизистон Президенти Аскар Акаев, Туркия Президенти Сулаймон Демирал, Туркменистон Президенти Сапармурод Ниезов сузлашдилар.

Қардош давлатлар раҳбарлари туркий тилда сузлашувчи мамлакатлар ўртасидаги икки томонлама ва кўп томонлама муносабатлар турли соҳаларда муваффақият билан ривожланиб бораётганидан мамнуният ихсоз этдилар. Бу алоқаларни янада кенгайтириш ва чуқурлаштиришни эълан қилди. Қардош халқларнинг муҳим тарихий саналарини биргаликда нишонлаш уларнинг таъминини англашда ва маънавий бирлигини таъминлашда муҳим урин тутиши қайд этилди. Томонлар савдо-иқтисодий алоқаларни янада тараққий эттиришда коммуникация тармоқларини мустақамлаш ва йўлга қўйиш муҳим аҳамиятга эгалигини таъкидлаб, бу борада ҳамкорликни янада ривожлантиришни эълан қилди.

Учрашув низоҳида қардош давлатлар Президентлари олий даражадаги анжуманининг муҳим натижаси бўлган Тошкент Декларациясига имзо чекдилар. (Бу ҳужжат мабуотда эълон қилинмоқда).

Учрашувда туркий тилда сузлашувчи мамлакатлар давлат раҳбарларининг навбатдаги учрашуви 1997 йилнинг туртинчи чорагида Қозоғистон пойтахтида ўтказишга келишиб олинди.

Олий даражадаги учрашув тугагач, Ўзбекистон Президенти И. Каримов, Озарбойжон Президенти Ҳ. Алиев, Туркия Президенти С. Демирал, Туркменистон Президенти С. Ниезов, Қирғизистон Президенти А. Акаев, Қозоғистон Президенти Н. Назарбоев журналистлар билан учрашиб, уларни олий даражадаги анжуман якунлари билан таништирди. Президентлар журналистларнинг турли саволларига ҳам жавоб қайтардилар.


Туркистон

Элим деб, юртим деб ёниб яшаш керак

1925 йилдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ «КАМОЛОТ» ЖАМФАРМАСИ ГАЗЕТАСИ

1996 йил 23 октябрь Чоршанба. № 76 (14374)



ТОШКЕНТ ДЕКЛАРАЦИЯСИ

Озарбойжон Республикаси Президенти Ҳайдар Алиев, Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев, Қирғизистон Республикаси Президенти Аскар Акаев, Туркия Республикаси Президенти Сулаймон Демирал, Туркменистон Президенти Сапармурод Ниезов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов 1995 йил 8 августда Бишкекда олий даражадаги учрашувда қабул қилинган қарорга мувофиқ 1996 йил 21 октябрда Тошкентда олий даражадаги туртинчи учрашувни ўтказдилар.

Улар: Анқара баёноти, Истамбул ва Бишкек декларациялари узвийлигини таъкидлаб; турк тилида гапашувчи давлатлар ва халқлар ўртасидаги ҳар томонлама ҳамкорлик турли соҳаларда тез ривожланиб бораётганини мамнуният билан қайд этиб;

тинчликни, хавфсизликни мустақамлаш ва ижтимоий-иқтисодий тараққиёт йўлида ҳаракат қилиб; Бирлашган Миллатлар Ташкилоти низомига, Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти қондаларига солиқликни яна бир бор таъкидлаб; мустақиллик, истиқлол, ҳудудий ахлиқлик, чегаралар дахлсизлиги, тенг ҳуқуқлик, бир-бирларининг ички ишларига аралашмасликни ҳурмат қилиш қондаларига асосланиб; қардошлик алоқаларини янада ривожлантиришга интилиб;

халқро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган қоида ва меъёрларига мувофиқ равишда халқро тинчлик ва хавфсизликни сақлашга доир ўз мажбуриятларига риоя этиб; ўз мамлакатлари ўртасидаги муносабатларнинг ҳолати ва ҳамкорлик истиқболларини куриб чиқиб, бир қанча халқро ва минтақавий муаммолар юзасидан фикрлашиб, қўйилганларни маълум қилдилар.

1. Давлат бошлиқлари ўз мамлакатлари ўртасида турли соҳаларда икки томонлама ва кўп томонлама муносабатларнинг ривожланишидан мамнуният ихсоз қилдилар ва уларни янада кенгайтириш ва чуқурлаштириш зарурлигини таъкидлашдилар.

2. Давлат бошлиқлари демократия, инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш ва бозор иқтисодини тамойилларига қатъий

ва доимий солиқликларини яна бир бор таъкидлашдилар.

3. Давлат бошлиқлари фан, маданият ва таълим соҳасидаги ҳамкорликдан қатъий мамнуният ихсоз қилиб, ўз мамлакатлари ўртасидаги бу алоқаларни янада кенгайтириш ва чуқурлаштириш ҳамда туркий халқларнинг буюк маданият-тарихий меросини оммалаштиришни эълан қилдилар.

Давлат бошлиқлари Турксий ташкилоти олдига туркий тилли мамлакатлар халқларининг маданияти, тили ва маънавий қадриятларининг муштараклигига асосланган ҳамкорликни янада ривожлантириш соҳасида муҳим вазифалар турганини таъкидлашдилар ва бу ташкилотнинг таъсирини оширишни зарур деб ҳисоблайдилар.

4. Давлат бошлиқлари Тошкентдаги олий даражадаги туртинчи учрашув буюк Амир Темурнинг 660 йиллик юбилейи кенг байрам қилинаётган даврда ўтаётганини эътиборга олиб, туркий тилли халқларнинг тарихи ва маданиятига улкан ҳисса қўшган жаҳон аҳамиятига молик буюк шахсларнинг ҳаёти ва фаолияти билан боғлиқ унутилмас саналарни биргаликда байрам қилиш зарурлигини яна бир бор таъкидлашдилар.

Давлат бошлиқлари Турксий ташкилотига туркий маърифат билан боғлиқ тарихий саналар жалвалини ишлаб чиқишни, бу саналарни байрам қилишга маданият соҳасидаги халқро ташкилотларни, биринчи навбатда ЮНЕСКОни жалб этиш имкониятларини турганини вазифасини тоширди. Буюк турк ҳокимлигининг 1450 йиллигини биргаликда ўтказиш имкониятлари ўрганилсин ва туркий тилли давлатлар бошлиқларининг учрашувида шу масалага доир талбишлар режаси тайёрлансин.

5. Давлат бошлиқлари туризм йўналишлари тармоғи ҳамда шунга мувофиқ равишда туризмнинг инфра тузилмаларини унинг ҳамма фойдаланиши мумкин бўлган турли шакллари кенгайтириш мақсадида, «Ипак йўлини қайта тиклаш: маърифий туризмни ривожлантириш, туркий тилли давлатлар маданият меросини қайта тиклаш, сақлаб қолиш ва мунтазам ривожлантириш» дастурини биргаликда ишлаб чиқиш ва амалга оширишга тайёр эканликларини из

(Давоми 2-бетда)

(Давоми 2-бетда)



ПОЙДЕВОР

Авалло, Республика Олий Мажлисининг бўлиб ўтган VI сессиясида давлатимиз бошлиғи И. Каримовнинг қўйилган фикрларига яна бир қарра эътиборни жалб этсак: «Истиқлол биз учун, — деб таъкидлайди Президент, — тараққиётнинг бутунлай янги, кенг уфқларини очди. Ўз келажакимизни ўз қўлимиз билан яратадиган бўдик. Ҳаётимиз ва умумий ҳонадонимизни миллий манфаат ва қадриятларимизга, умумэтироф этилган демократик мезонларга монанд қилиб қуришдек ноёб имкониятларга эга бўдик. Утган беш йил тарих учун бир лаҳза бўлса, биз учун бутун бир давр ҳисобланади. Зеро, мана шу беш йил ичида буюк мамлакатлар ун-юз йиллар мобайнида ўтдиган йўлни босиб ўтдик...»

Ушбу назарий ҳулоса ривожлантирил, кенг таҳлил қилиш нуктаи назаридан биз, жамиятшунос-муҳассислар зиммасига ҳам улкан вазифа юклатмоқда. Қолаверса, едимиздан чиқармаслигимиз лозимки, мамлакат тараққиети эҳтиётчилик билан фойдаланиш ҳаммасига ҳам насиб қилавермайди. Каминга анчадан буён миллий озолик ҳаракати муаммолари билан баҳоли-қўлрат шугулланиб келатганининг тўғри йўрида баён этилган қатъий мулоҳазам учун етарлиқ асос бор.

Бугунги утиш даврида раҳбариятимиз, қолаверса халқимиз, Президентимиз таъкидлаганларидек, вазиятни тўғри баҳолай олдилар. Бугунги ва бундан кейинги тараққиётимиз учун зарур барча чора-тадбирлар ва режаларни ўз вақтида ишлаб чиқа олдик. Унинг самараларини эса куз ўғинида намоён бўлмоқда. Акс ҳолда, бугун — мустақиллик эълон қилингандан атиги 5 йилдан сал кўпроқ вақт ўтгандан кейин, жаҳоннинг нуфузли экспертлари, ахборот воситалари, қолаверса таниқли давлат ва сиекат арбоблари Ўзбекистонга нисбатан «Ўзбекистон феномени», «социал-сиесий барқарорлик учоғи», «МДҲда энг тез ривожланган давлат», «ривожланиш учун барча имкониятлари мавжуд мамлакат», «Мантйий супердавлат» каби бизга завқи ва табиийки, зиммамизга қатъий масъулият юкловчи терминларни ишлатмаган бўлар эдилар.

Бугунги кунда амалга оширилган ишларни санаб ўтар эканмиз, улар орасида энг асосийларидан бири — демократия жамият қуришнинг «Ўзбекистон андозаси» яратилишидир. Ўзбекистон XX аср охири XXI аср бошлари талабларига тула мос келадиган сиесий, социал ва ҳуқуқий тизим яратилди. Натияжада, жамият ва шахс, давлат ва фуқаро ўртасида доимий равишда мавжуд бўлиши табиий муаммоларни талаб даражасида пасайтириш ва ечишга муваффақ бўлинатир. Сиесий ҳокимият, бошқарув органлари ва фуқароларнинг мулоқоти учун маърифий асослар яратилмоқда. Яна бир ютуғини шундаки, миллий қадриятлар ва манфаатларимиз ҳамда умум эътироф этилган демократик меъерларга амал қилиб, янги ҳаёт яратилди. Бундан оқибатда ва шарт-шароитларга асос солинди. Солдорқ қилиб айтилган бўлса, ҳаётий фаолиятимиз ва узро муносабатларимизни ўзини мизга маъқул ва мақбул тарзда шакллантираётимиз. Аммо, жаҳон сиесий амалиёти ва тажрибаси айрим халқларнинг аччиқ сабоқлари гувоҳлик бермоқдаки, ижтимоий консенсусга келиш ҳеч бир мамлакатда ҳеч қачон енгл кучмаган.

Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги АМИР ТЕМУР ТАРИХИ БРИТАНИЯДА ЎҚИТИЛМОҚДА

Соҳибқирон Амир Темурнинг 660 йиллик юбилейи таъинида иштирок этиш учун Ўзбекистонга жаҳоннинг кўпгина мамлакатларидан олимлар ва меҳмонлар ташриф буюришди. Улар орасида Манчестер университетининг доктори Чидлем Балим-Хардинг ҳам бор. Британиялик олимга юбилей таъинида «Амир Темур фаолияти тарихининг ёнларга ўргатилиши» мавзусида маъруза қилишни режалаштирилган. Мамлакатимизга ташрифи олдидан биз у киши билан суҳбатда бўдик.

БУЮК СОҲИБҚИРОНГА ЭҲТИРОМ

Соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 660 йиллик юбилейи нафақат Ўзбекистонда, балки жаҳон миқёсида, ҳусусан, туркий тилда сузлашувчи мамлакатлар халқлари томонидан ҳам кенг нишонланмоқда. Қардош мамлакатларда буюк бобомиз юбилейи муносабати билан кўп тадбирлар ўтказилмоқда. Туркий лунада муҳим аҳамиятга эга бу каби саналарни биргаликда нишонлаш халқларимиз ўртасидаги дустлик ва ҳамкорликни янада мустақамлашга хизмат қилиши шубҳасиз.

Олий даражадаги Тошкент учрашувида қатнашган туркий тилли давлатлар раҳбарлари — Озарбойжон Президенти Ҳайдар Алиев, Туркия Президенти Сулаймон Демирал, Қирғизистон Президенти Аскар Акаев, Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбоев ҳамда соҳибқирон юбилейи таъинида иштирок этиш учун мамлакатимизга ташриф буюрган Тожикистон Президенти Имомали Раҳмонов 22 октябрь куни эрталаб Ўзбекистон Президенти Ислоҳ Каримов ҳамроҳлигида Темурийлар тарихи давлат музейига ташриф буюрди.

Олий мартабали меҳмонлар Амир Темур юбилейи арафасида қуриб битказилган музей, унинг соҳибқирон ҳаёти, темурийлар даври ҳақида хикоя қилувчи экспонатлари билан танишдилар. Меҳмонлар Амир Темур шахси билан боғлиқ ноёб ёдгорликлар тарихи ҳақида сузлаб берилди.

Олий мартабали меҳмонлар музейнинг эсдалик китобида дастхат қолдирдилар. Президентлар Ўзбекистон Биржа марказига ҳам ташриф буюрди, марказнинг фаолияти билан танишдилар.

Шу кунги Ўзбекистон Президенти Ислоҳ Каримов, Озарбойжон Президенти Ҳайдар Алиев, Туркия Президенти Сулаймон Демирал, Тожикистон Президенти Имомали Раҳмонов, Қирғизистон Президенти Аскар Акаев, Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбоев таваллудининг кўп йиллик санаси жаҳон бўйлаб кенг нишонланаётган буюк бобомиз соҳибқирон Амир Темурга эҳтиром билдириш ниётида замин сайқали қадимий Самарқандга келди.

Самарқанд аэропортида юк-сак мартабали меҳмонларни кутиб олошди Амир Темурнинг Президентлари Имомали Раҳмонов, Самарқанд шаҳар ҳокими Азиз Носиров ва бошқа расмий кишилар кутиб олдилар. Миллий либосдаги қизлар азиз меҳмонларга узбек заманининг анвойи узларини тақдим этдилар.

Буюк соҳибқирон қадимий Туркистон халқларини бирлаштириб, муқаддас юртини боқсиз-чиладан озоқ этди. Улкан салтанат барпо қилди. Бекиёс бунедкорлик ишлари билан шугулланиб қолмай, илм-фан, санъат ривожига ҳомийлик қилди. У ҳомийлик қилган буюк маданият туркий халқлар гурунин омон қилиб, умумжаҳон ҳазинасини бекиёс тағинналар билан бойитди. Бу улкан маданият меъросдан Туркистон за-

минда яшаган барча миллат вакиллари баҳраманд бўлишлар. Ана шу боис туркий тилли давлатлар раҳбарлари Тошкентда бўлиб ўтган анъанавий учрашувдан сўнг соҳибқирон юбилейи таъинида иштирок этиш истагини билдиришлар. Бу хайри тадбирда иштирок этиш учун қардош Тожикистон Республикаси Президенти Имомали Раҳмонов ҳам Ўзбекистонга келди.

Қардош мамлакатлар Президентлари Самарқанднинг буюк бобомизнинг номи билан юртилаётган хибонда яқинда очилган Амир Темур ҳайкали қопига келдилар. Улут давлат арбоби, фан ва маданият ҳомийси ҳайкали пойига гуллар қўйдилар, Сунгра Президентлар муборак байрам арафасида таъмирдан чиққан Гури Мир мақбарасига ташриф буюрди, Амир Темур қабрини зиёрат этишлар.

Афсонавий Регистон майдон кўтүлү байрам кунларида алоҳида фуюсуи ва жозибка касб этган. Қардош мамлакатлар давлат раҳбарлари ишбу бетакорор майдонга ташриф буюришлар. Самарқанд балиий ҳаваскорлик ва фольклор дасталари концерти шаҳарнинг улут меҳмонлари хушнуд этди.

Президентлар Улутбек, Тиллақори мадрасаларини, шунингдек бу ерда ташкил этилган халқ амалий санъати намуналари кургазмасини томоша қилдилар.

Узбек халқининг буюк аждодлар номини улутлаш, улар қолдирган осори атиқаларини ас-

раб-авайлаш йўлидаги фаолияти, боболар анъаналарига мос бунедкорлик ишлари қардош давлатлар Президентларида қатъий таассуротлар қолдирди. — Қадимий меъморлик обидаларига бой бўлган Самарқанд ва унинг Гури Мир каби ёдгорликлари ҳақида кўп эшитганим, тарихий китоблардан қизиқиб ўқиганим, — деди Озарбойжон Президенти Ҳайдар Алиев. — Самарқандга келиш ордун буюк Амир Темурнинг юбилейи таъинида нишонланаётган кунларда ушунга асосланган мамнуният. Мен бу ерда тарихий обидаларни тиклашга қатъий эътибор берилиб, узбек халқи жаҳон андозаларига мос замонавий бинолар қураётганининг гувоҳи бўдим. Самарқанддаги «Афросиёб» меҳмонхонаси, қадимий ва замонавий меъморликнинг ўйгун намунаси бўлган Тошкентдаги Темурийлар тарихи давлат музейи биноси шулар жумласидандир. — Мен «Етти ва ўттиз етти муъжиза» деб номланган китоб ўқиганим, — деди Қирғизистон Президенти Аскар Акаев. — Унда Ош сайерамиздаги турли муъжизалар ҳақида хикоя қилинади. Бутун мен Самарқандга ташрифим чоғида жаҳонда ўттиз саккизгачи муъжиза ҳам борлигига амин бўдим. Бу муъжизани яратган соҳибқирон Амир Темур ва унинг аждодларининг хизмати бекиёсдир. Амир Темур нафақат узбек, балки қирғиз халқининг тарихи ва тараққиётини белгилаб берган улут инсонларидандир.

(ЎЗА)

Беруний Олимов, «Жаҳон» ахборот агентлиги муҳбири Лондон шаҳри

ТОШКЕНТ ДЕКЛАРАЦИЯСИ

(Боши 1-бетда)

хор қилдилар.

6. Давлат бошлиқлари ахборотларни айирбошлаш соҳасида вужудга келган ижобий таъйинларни мамнуният билан қайт этишлар ва туркий халқларнинг буюк маданият-тарихий меросини тартиб қилиш, оммалаштириш ва ейишда уз мамлакатлари оммавий ахборот ва алоқа воситаларининг биргаликдаги ҳаракатларини кучайтириш зарур деган фикрни билдирдилар.

Давлат бошлиқлари уз мамлакатларининг халқлари ур-тасиди алоқаларни мустақамлаш ва турли соҳалардаги тажрибани айирбош қилиш мақсадида туркий тили давлатлар маҳаллий бошқарувлари ва ноҳукумат ташкилотлари уртасиди алоқаларни мустақамлашга аҳд қилдилар.

7. Давлат бошлиқлари туркий тили давлатлар савдо-иқтисодий ҳамкорлигини барча чоралар билан ривожлантириш, турли даражадаги иқтисодий алоқаларни кенгайтириш, иқтисодий интеграция жараёнида кумаклашиш, узаро савдо-сотиқдаги товарлар бартараф этиш ва жисмоний ҳамда ҳуқуқий шахслар хужалик алоқаларини амалга ошириш чотида узларнинг халқаро мажбуриятларига пугур етказмаган ҳолда товарлар, хизматлар, сармоя ва ишчи кучининг ягона бозорини барпо этиш мақсадида, узлар учун қулай ҳуқуқий режим урнатишни еқлаб гапирдилар.

Давлат бошлиқлари тегишли давлат тузилмалари божхона ва транзит тадбирларини янада соддалаштириш, узаро савдо-сотиқни, молия ва банк операцияларини чекилатган ва қийинлаштиратган товарлар бартараф этиш чораларини куриштириш зарур деб ҳисоблайдилар.

8. Давлат бошлиқлари уз мамлакатларининг бой табиий ресурсларини, биринчи навбатда табиий газ, нефт ва гидро энергетика ресурсларини ишга солишинг ва қазиб чиқаришинг гоят муҳимлигини яна бир бор таъкидлайдилар. Узлар энергия манбаларини жаҳон бозорига олиб чиқиш учун курулар етқишиш ва электр линиялари куриш буйича қўшма лойиҳаларни амалга ошириш, у лойиҳаларга манфаатдор давлатларни, халқаро молия ташки-

лотларини, давлат тузилмалари ва хусусий тузилмаларни жалб этиш юзасидан шопишлич чоралар куришни маъқулладилар.

Давлат бошлиқлари Туркия орқали Урта денгиз соҳиллари ва Европада нефт-газ қувурлари етқишиш билан боғлиқ булган ва тегишли давлат ва халқаро ташкилотлар томонидан бажарилган ишни мамнуният билан қайт этишлар.

9. Давлат бошлиқлари минтақада иқтисодий нақлиёт тизимларини ривожлантириш зарурлигини таъкидлаб, Транскавказ йўлагини ишга солган ҳолда транзит ва темир йўл алоқаси буйича Сарас турт томонлама аҳдномасини (1996 йил) тезроқ амалга оширишни маъқулладилар ва Трасек лойиҳалари буйича Европа Итифоқи саъй-ҳаракатларини маъқулладилар.

Шунингдек, узлар «Шимол-Жануб» транспорт йўлагининг бир қисми сифатида Хинд океанига чиқадиган «Марказий Осиё-Афғонистон — Покистон» транспорт йўлини барпо этиш ташаббусини қўлаб-қувватладилар.

10. Давлат бошлиқлари БМТ Тараққиёт дастурини, Жаҳон банкини, Жаҳон валюта жамғармасини ва минтақа тараққиёт банкларини утиш даврида туркий тили мамлакатларнинг ҳар бири учун ҳаракат стратегиясини ишлаб чиқишда иштирок этаётган мамлакатлар билан ҳамкорликни кенгайтириб, янада фаол ҳаракат қилишга чақирадилар.

11. Давлат бошлиқлари:

- базис ва махус таълим сифатини оширишга, меҳнат куникмалари ва касб тайёригини ривожлантиришга ҳамда малака оширишга алоҳида аҳамият бериб, маблағ ва инсоний ресурсларни ишга солиш йўли билан;
- фақат рақобатбардошли маҳсулот яратишга қўлмай, айнқса, кичик ва урта бизнес соҳасида иш жойларини ҳам барпо этиладиган янги технологияларни оммалаштиришга кумаклашиш йўли билан уз мамлакатлари иқтисодий юксалишини рағбатлантиришга қаратилган чораларнинг самарадорлигини оширишни маъқулладилар.

12. Давлат бошлиқлари атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида ҳамкорликни ривожлантиришнинг долзарблигини яна бир бор таъкидлайдилар ва Орол денгизи атрофида-

ги экология вазиятини барқарорлаштириш юзасидан халқаро миқёсда қатъий чоралар куришга чақирдилар.

13. Давлат бошлиқлари наркотик ва психотроп моддаларни гайриқонуний ишлаб чиқариш, узларга талаб ҳамда бундай моддалар оборотининг куламлари ва усин тамойилдан, шунингдек узларни гайриқонуний равишда таниш учун туркий тили давлатлар ҳудудидан фойдаланиш мумкинлигиндан ташвишланиётганликларини изҳор этиб, банг-фурушликка қарши кураш буйича мувофиқлаштирилган ҳаракатларни амалга оширишга, шунингдек, наркотик моддалар оборотини назорат қилиш буйича халқаро сиеатта кумаклашишга қатъий бел боғланликларини таъкидлайдилар. Шу муносабат билан ҳозирги асрнинг 90-йилларида, айнқса, авж олган уюшган жиноятчилик бангфурушлик ва терроризм билан мустақам боғлиқлиги ва терроризм учун молиявий манба булиб қолаётганидан хавотирда эканликларини таъкидлайдилар.

14. Давлат бошлиқлари терроризм ва сепаратизмнинг янги жунбушидан жиддий ташвиш изҳор қилиб, терроризм, сепаратизм ҳолларини (ким томонидан ва қандай мақсадда амалга оширилишидан қатъи назар, инсон ҳуқуқларини жиддий равишда камситгани учун) қаттиқ қораладилар ва ана шундай ҳолларга қарши кураш мақсадида жаҳон ҳамжамияти кураётган чора-тадбирларни тула-тулис қўлаб-қувватладилар, узлар тезроқ ва кенг миқёсда амалга ошириш зарурлигини таъкидлайдилар. Давлат бошлиқлари эндиликда чегара нималигини билмайдиган терроризм ва сепаратизмга қарши курашишда халқаро ҳамкорлигининг зарурлигини яна таъкидлайдилар.

15. Давлат бошлиқлари БМТ ҳамда Европа Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти қондаларини оқидан-очиб бузиш оқибатида юз берган можаролар давом этаётганидан чуқур ташвиш билдирдилар ва мазкур қондаларга сира кечикмай рияз қилишга чақирдилар. Давлат бошлиқлари Арманистон билан Озарбойжон уртасиди можорани Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Хавф-

сизлик Кенгашининг тегишли қарори асосида тинч йўл билан бартараф этиш зарурлигини таъкидлайдилар ва бу можаронинг бартараф этилгани минтақада тинчлик жарраёнига, ипнотч ва хавфсизликни мустақамлашга пугур етказаетганини таъкидлайдилар.

16. Давлат бошлиқлари узаро маслаҳатланулар ва ташкилий-техник ишларни мунтазам утказиб туриш, қабул қилинган қарорларни амалга ошириш зарурлигини таъкидлаб, туркий тили давлатлар бошлиқлари учрашувининг котибиятини тузиш тугрисида келишиб олдилар. Котибиёт тугрисидаги мунозама ишлаб чиқиш Ташқи ишлар вазирликларига топшириди. Котибиёт зиммасига туркий тили давлатлар бошлиқлари ва ташқи сиеат мақамалари раҳбарлари учрашувларига материалларни тайёрлаш, туркий тили давлатлар тили, маданияти ва ютуқларини тартиб қилишга бағишланган семинарлар, конференциялар, симпозиумлар утказиш, туркий халқларнинг утмишдаги ва ҳозирги пайдаги ҳаёти тугрисида тарихий-адабий манбаларни излаш, саралаш ва нашрга тайёрлашга доир вазифалар юклатилди.

17. Давлат бошлиқлари самимий ва дўстона вазиятда утган Тошкент учрашув туркий тили давлатлар ҳамкорлигини янада ривожлантириш, шунингдек, минтақада барқарорлик ва тинчликни таъминлаш ишида шубҳасиз муҳим босқич булади, деб таъкидлайдилар.

Анқаралдаги олий даражадаги учрашувнинг бундай учрашувларни мунтазам утказиб туриш тугрисидаги қарорига мувофиқ, давлат бошлиқлари навбатдаги учрашувни 1997 йилнинг туртинчи чоратида Қозғибстон Республикаси пойтахтида утказишга келишиблар.

Ушбу Декларация 1996 йил 21 октябрда Тошкент шаҳрида ҳар бири турк ва рус тилларидаги олти нусxada имзоланган.

Озарбойжон Республикаси Президенти
Козғибстон Республикаси Президенти
Киргизистон Республикаси Президенти
Туркия Республикаси Президенти
Туркменистон Президенти
Ўзбекистон Республикаси Президенти

Ҳайдар АЛИЕВ
Нурсултон НАЗАРБЕКОВ
Аскар АКАЕВ
Сулаймон ДЕМИРЭЛ
Сапармурот НИЕЗОВ
Ислом КАРИМОВ

ПОЙДЕВОР

(Боши 1-бетда)

Шу боисдан, бу нарса сиесий раҳбарият, қолаверса фуқаролардан жиддий тайёргарлик ва маънавий юксалик талаб қилади.

Яна бир ютуқ — миллий давлатчилигимизнинг мустақам пойдеворининг бунда келишиди. Бу, том маънода, буюк воқеа ҳисобланади. Дарҳақиқат, тарихий ва миллий қадриятлар ҳамда халқаро андозларга жавоб берадиган сиесий тизим яратиш осон эмас. Бу йўлда хавф хатарлар, кутулмаган чекиншилар, бошқача қилиб айтсак, парадокслар кутлаб содир булиши мумкин. Зеро, дунча таърибда ва айрим давлатлар амалиёти шундан гувоҳлик берадики, сиесий ҳолиш ва лойиҳа билан унинг амалдаги натижалари еки сиесий ният билан унинг оқибатлари уртасида кам ҳоллардагина уйғунликка эришилган. Бу зиддият уз навбатда сиесий маълонда мавжуд ҳолиса ва вазиятларнинг уткинчилиги ҳамда узлар замирида шаклланган илмий башоратларни келажакка нисбат қилишнинг мушкуллиги билан боғлиқ.

Жиддий ютуқларимизнинг асосий омилларидан бири шундаки, миллий давлатчилик пойдеворини куриш жараёнида хусус йилк билан айримликка батамом янғича ендайилади. Шу : уфайли мамлакатимизда олиб борилган тарихий жараён узининг миллионлаб тарафдорларини топшига эришиди. Ўзбекистонда барча фуқаролар манфаатлари, хоҳиш иродаси ва тасаввурига мақбул булган давлат шакли вужудга келди. Бу улкан жараён фуқароларнинг давлат ҳақидаги фикри, тасаввурини батамом янғилади. Дарҳақиқат, ҳокимият бутунги кунда фуқаролар хоҳиш-иродасининг ифодаси сифатида узини намоён этмоқда. Ижтимоий ҳамжизатликни таъминлаш давлат фаолиятининг асосий тамойили даражасида кутарилиди. Кутгина МДХ давлатлари учун маълум маълонда ҳали воқеликка айланмаган сиесий барқарорлик, осийш-талик ва миллатлараро ҳамжизатлик бутунги кунда бош омилларини сифатида тараққиётимизни белгилаб турибди.

Маълумки, мустақиликка эришиб, демократияга утаётган асарият мамлакатларда иррационал тамойилларнинг ҳам жонлангани учун маълум маълонда йўл очилади. Узлар учун бундай ута мураккаб сиесий шакллари табиий бир ҳол деб қараш лозим. Лекин ижтимоий, айнқса сиесий жараёнлар учун бошқарушга мойиллик булганлиги боис, жамият учун зарарли иллатларнинг олдини олиш имконияти кенг. Бу имкониятдан ҳам бизнинг мамлакатимизда жуда усталик билан фойдаланилиди.

Алқисса, ютуқлар узинимизни. Камчиликлар ҳам. Бутунги кун талаби шундайки, ороқ ютуқдан кунроқ қувониш натижасида қилинажак ишлар улда-жулда қолиб кетмаслиги керак.

Шулардан келиб чиқиб, эндиликда бажарилиши лозим булган вазифалар Президентимиз томонидан Олий Мажлиснинг VI сессиясида курастилиб ҳам утилиди. Узлар нималардан иборат экани ҳақида ҳаммамиз тасаввурга эгамиз. Қисқа тарихий даврда эришилган ютуқлар жаҳондаги оммавий ахборот воситалари ва сиесий шарҳловчиларнинг жиддий қизиқилишини уйғотмоқда, албатта. Қизиқишлар республикамиз ҳаётига оид турли хил қарашлар ва муносабатларда уз аксини топаётир. Бироқ, ҳар қандай нозик вазиятда ҳам меъерини ҳис этиш, у еки бу масалага маърифий ендашув, айнқса, жиддий сиеасатчи ва шарҳловчиларни диққат марказида булмоғи шарт. Лекин бу масала ҳамон мураккаблигича қолмоқда. Натижада, айримлар юртимизда ошқора руй бераётган ижобий узғаришларга баҳо беришда объективлик принциплдан четланимоқда. Жумладан, Ўзбекистон демократияси, жамият ва шахе, давлат ва фуқаро муносабатлари билан боғлиқ муаммоларга, уз нуктаи назарларини билдирмоқдаларки, узларнинг фикрларини сазе еки юзаки дейишга асосимиз етарли. Бундай мулоҳазалар шахсий сиесий қарашлар замирида вужудга келмоқда. Бундан ташқари субъектив фикр-мулоҳаза, баҳолар, айнқса, у муайян мафкура билан йўналтирилган булса, унинг асосли булиши қийинроқ. Шунинг учун ҳам Осувальд Шпенглер уз вақтида «икки кишининг бир предметга нисбатан ендашуви хеч қачон бир хил булмаслигини инноватга олсак, узларни бир хил қилишга ури-нишларнинг барчаси беҳуда кетди» деган фикри тугри дейишга ҳақимиз. Бу билан Ўзбекистон ҳақида фақат ижобий фикрлар булиши шарт демокчи эмасми? Лекин, ҳар қандай фикрнинг маърифий меъерлардан чиқиши хеч кимга фойда келтирмаслигини таъкидламоқчимиз, холос.

Турли фикр, қарашлардан қатъий назар, бутунги кун келажакда мустақил Ўзбекистон сифатида қолиши аниқ. Бу билан пойдевор, бориинки, нечоғли мустақам ва мукамал булмасин, келажакда барпо этилиши лозим булган демократик ҳуқуқий давлат ва фуқароний жамиятнинг юкнини кучайтириши, деб айтиш қийин. Шундай экан, унга имконият доирасидан ташқари талабларни қўйишмиш ҳам шопи-машоплардан уза нарса эмас. Ушбу принцип ташқарилдан, узга юртлардан туриб, мамлакатимиз бошидан кечираётган жараёнларга баҳо беришларга тегишли. Ҳақиму ҳақам фақат — халқнинг узни. Нима булган тақдирда ҳам, айтиш жоизки, тарихий, миллий қадрият ва аёнчалари ҳамда мавжуд имкониятларидан келиб чиққан ҳолда умум эътироф этилган демократик меъерларга таяниб барпо этилаётган ҳар қандай янги давлат ва жамиятнинг умрбоқий булиши шак-шубҳасиз.

Т. ЖУРАЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти
Хузуридаги давлат ва жамият курилиши
Академиясини сиевташуснолик ва ташқи
сиесий фаолият кафедраси профессори,
фалсафа фанлари доктори.

ШАВҚ БОРИДА, ЁЗ ДЎСТИМ!

Ўзбекистон ешларининг «Камолот» жамғармаси бошқаруви яна бир хайри ишни амалга оширди. Ўзбекистонда бир гап бор: вақтим — нақдим. Гап шундаки, «Камолот»чилар октябрнинг ун туққизда «Тил» байрамини утказиш билан бир вақтда жамғарма хузурида «Еш иждокорлар клуби»ни ҳам тузиб юборишди. Қойил. Уша кунги вазият ҳам шунга тақозо қилиб турганда, уч юзга яқин катташчи талаба-ешлар, бир еқда элимизнинг суюли Алибек Рустамий, Турсуноӣ Солиқова, Йўлдош Сулаймон, Мухаммад Юсуф, Ҳожиакбар Шайхон каби олиму адиблари иштирок этиб турибди. Қизиқчи-санъаткорлар хусусида-ку, гап булиши мумкинмас...

Узига хос тантанани «Камолот» жамғармаси бошқаруви раисининг биринчи уринбосари Мухаммад Қирғизбоев очди. Нотик аввало, она тилимиз, унга давлат тили мақоми берилганидан сунг амалга оширилган, оширилатган ишлар ҳамда бу борда ешларнинг олдига қўйилган турган вазифалар хусусида гапирди. Сунг тузилаётган «Еш иждокорлар клуби» ҳақида тухталиб делдики, биласизлар, ҳозир қоғоз қиммат, нашр ҳаражатлари ҳам кескин ошиб кетди ва натижада нафақат ешлар, умуман китоб чиқариш мушкул бўлиб қолди... Шу ва шу каби муаммоларни ҳисобга олиб «Камолот» хузурида «Еш иждокорлар клуби» тузишга қарор қилиди. Клуб доимий ишлайди. Ва ҳар йили ундан зиед ешларнинг китобчаларини жамғарма ҳоимчилигида чиқариб берамиз... Хуллас, клубнинг режалари қут...

Шуни алоҳида қайт этиш керакки, таъбир аённавий усуддан анча йироқ ҳолда утди. Баҳс, мунозара булмади ҳисоб. Ҳаммага маълум фикрлар асосида маъруза эшитиш урнига барчага таъкид келадиган профессор Алибек Руста-

мий, Турсуноӣ Солиқова, Й. Сулаймонларнинг ибратли панд-насихатлари, ешларнинг ҳам меъерига етиб-етмаган, лекин узларидек самимий, тилини, истиклолни маъд этган шеърлари тингланди. Сунг ташкилий масалалар ҳам курилиб, «Еш иждокорлар клуби» Раислигига дилбар шоир Иқбол Мирзо маъқул курилиди. Унинг уринбосарларини эса раиснинг узни ҳамда шу кунги иштирокчилар томонидан тасдиқланган «Еш иждокорлар клуби»нинг бир қанча иждокорлардан иборат Маслаҳат Кенгаши аъзолари сайланди. Барчага тарқатилган клубнинг Низом лойиҳаси хусусида ёзма равишда билдирилган мулоҳазаларни инноватга олган ҳолда маслаҳат кенгаши яна бир кўр куриб чиқиб, кейинги йилгида Низомнинг узил-кесил қабул қилишга келишиб олинди. Кенгаш эса шу йилнинг биринчи ноябрь кунини тугриланган булди.

Булиб утган хайрли таъбирнинг қисқача тафсилоти шу. Лекин хабарга нукта қўйишдан аввал иски оғиз айтадиганимиз бор:

Хурматли ешлар! Биламиз, қоғоз қоралаб бир нима езиш қийин, боз устига минг азоб билан еганингизни чиқариш унданам мушкул. Шунинг учун ҳам «Камолот» сизу биз учун «Еш иждокорлар клуби»ни тузиб берди. Демак, клубнинг тезроқ оёққа туриши ва оз фурсатда шакли-шамойилига эга булиши узимизга боғлиқ Юракка чут тушганими? Шавқ борми?... Завқ-чи?... Гоҳ-гоҳ қалам қитирлиб турасизми?... Хуллас, шаклланишини истасангиз «Еш иждокорлар клуби»га келинг. Клуб узингиз яхши билган ва яхши курган пойтахтидаги «Камолот» жамғармаси биносида жойлашган!

(Ўз мухбиримиз)

*Қўнғил тинч булса,
барибарам яхши-да.
Айнқса, оилада. Шавқат
укимлиши, бир-бири
рини тушунган, фарза
ндларининг бутунги ва
эртасига жуда-жуда эъти
бор берадиган оилада дун
ега келганлигининг узек
унинг шавқатли эканлигини
дан дарек.*

*Шавқатнинг отаси
Неъмат Низомовни жа
ҳондаги бир қатор дав
латларнинг профессор
лари, илм кишилари ях
ши танишади. У киши
фундаментал физика со
ҳаси буйича яйрик олим,
профессор, қўлаб шогири
лар бор, 12 нафар фан ном
золикл ишларига раҳбарлик
қилган инсон.*

*Мен нимага танин
Ўзбекистон Республикаси
Президенти стипендияси
сониридори, СамДУ
толиби Шавқат Низомов
ҳақида эмас, унинг ота
сидан бошлайди. Шавқ
атнинг 20 ешида мана
шунча ютуқларга эри
шилди олинган, қолаверса,
отасининг таъсири каттадир. Шун
инг учун ҳам у ҳақда
эшитганимдан бери тили
м учуда турган саволи
ни беришдан узини ту
тиб туролмайман.*

*Деҳқоннинг кунини ҳавонинг қовоғига қарашга қолди. Етса ҳам,
турса ҳам кунинг илиқ булишини тилаб туради. Эрта тушган бир
кунлик совуқ ҳам ҳамма нарсани чипакка чиқизиши аниқ.
40 гектар ерга уруғ қадаган Сирдарё туманидаги «Сирдарё»
давлат ширкатлар уюшмаси 5-булим 1-бригадаси деҳқонларининг
бутунги ташвиши фақат — пахта. Узлар ҳар гектардан 30 центнердан
досил йигиб давлатга 112 тонна топшириш ниятидалар. Бутун
гача эса 45 тоннадан ортиқ хирмон уюлди. Бунда илгор теримчи
ешлар Райхон Синдорова, Фарида Лаканова, Норкол Элтоева ва
Ғофир Синдоровларнинг ҳиссаси катта.*

Х.МИРЗАКАРИМОВ олган сурат



— Шавқат, сен ҳақингда «домланинг угли булганлиги учун ҳам омад унга кулди боқаверади» деган гапларни эшитишдан хафа булмайсанми?

— Тугриси, бу саволдан кейин унда бирор узғариш булса керак деган маълонда қараб турардим. Лекин унинг авзоий бузилмади, бамайи-хотир, босиқлик билан жавоб қайтарди:

— Бу фикр янглик эмас. Уқиниша кирганимдан бери бунга гапларни куп эшитаман. Лекин эътибор бермайман. Даламининг соҳаси бошқа. Мен бошда педагогика институтига уқиниша кирганман. Иккинчи курста у-



— Меннинг дустларим куп эмас. Табиатдан жуда босиқ булганимнинг учун фақат билими, қизиқиши менга туғри келадиган йигитлар билангина дустлашганман. Курсларимдан орасида икки нафар дустим бор. Узлар билан гаплашадиган гапимиз ҳам, баҳса сабаб булладиган ҳолат ҳам, кулгига айлангириб юборадиган мавзу ҳам — электроника. Узлар кулгича бизникига келишади.

— Меннинг дустларим куп эмас. Табиатдан жуда босиқ булганимнинг учун фақат билими, қизиқиши менга туғри келадиган йигитлар билангина дустлашганман. Курсларимдан орасида икки нафар дустим бор. Узлар билан гаплашадиган гапимиз ҳам, баҳса сабаб булладиган ҳолат ҳам, кулгига айлангириб юборадиган мавзу ҳам — электроника. Узлар кулгича бизникига келишади.

Президент стипендияси совриндори

ЭЛЕКТРОНИКА ҲАЗИЛАНИ ТУШУНМАЙДИ

— Шавқат, сен ҳақингда «домланинг угли булганлиги учун ҳам омад унга кулди боқаверади» деган гапларни эшитишдан хафа булмайсанми?

— Тугриси, бу саволдан кейин унда бирор узғариш булса керак деган маълонда қараб турардим. Лекин унинг авзоий бузилмади, бамайи-хотир, босиқлик билан жавоб қайтарди:

— Бу фикр янглик эмас. Уқиниша кирганимдан бери бунга гапларни куп эшитаман. Лекин эътибор бермайман. Даламининг соҳаси бошқа. Мен бошда педагогика институтига уқиниша кирганман. Иккинчи курста у-

— Меннинг дустларим куп эмас. Табиатдан жуда босиқ булганимнинг учун фақат билими, қизиқиши менга туғри келадиган йигитлар билангина дустлашганман. Курсларимдан орасида икки нафар дустим бор. Узлар билан гаплашадиган гапимиз ҳам, баҳса сабаб булладиган ҳолат ҳам, кулгига айлангириб юборадиган мавзу ҳам — электроника. Узлар кулгича бизникига келишади.

— Меннинг дустларим куп эмас. Табиатдан жуда босиқ булганимнинг учун фақат билими, қизиқиши менга туғри келадиган йигитлар билангина дустлашганман. Курсларимдан орасида икки нафар дустим бор. Узлар билан гаплашадиган гапимиз ҳам, баҳса сабаб булладиган ҳолат ҳам, кулгига айлангириб юборадиган мавзу ҳам — электроника. Узлар кулгича бизникига келишади.

— Меннинг дустларим куп эмас. Табиатдан жуда босиқ булганимнинг учун фақат билими, қизиқиши менга туғри келадиган йигитлар билангина дустлашганман. Курсларимдан орасида икки нафар дустим бор. Узлар билан гаплашадиган гапимиз ҳам, баҳса сабаб булладиган ҳолат ҳам, кулгига айлангириб юборадиган мавзу ҳам — электроника. Узлар кулгича бизникига келишади.

— Меннинг дустларим куп эмас. Табиатдан жуда босиқ булганимнинг учун фақат билими, қизиқиши менга туғри келадиган йигитлар билангина дустлашганман. Курсларимдан орасида икки нафар дустим бор. Узлар билан гаплашадиган гапимиз ҳам, баҳса сабаб булладиган ҳолат ҳам, кулгига айлангириб юборадиган мавзу ҳам — электроника. Узлар кулгича бизникига келишади.

Гули ЧЕХРА,
«Туркистон»нинг мухбири

ТУРКИСТОН БИР, ВАТАН БИР!

Шу заминда яшайдиган ҳар бир кишининг онгига Туркистон бизнинг умумий уйимиз, деган муқаддас тушунчани сингдириш муҳим аҳамиятга эга, деб таъкидлаганди Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов.


Дарҳақиқат, юқоридаги фикр нечоғли долзарб эканига бугун гувоҳ бўлиб турибмиз. Кунни кеча пойтахтимизда бўлиб ўтган туркий тилли Давлатлар раҳбарларининг олий даражадаги IV учрашуви ва унда имзоланган Тошкент Декларацияси асрий орзуларимизнинг ушалишига муҳим омил бўлиб хизмат қилажак.

Халқларни, элу элатларни аввало, адабиёт ва санъат бевосита бир-бирига яқинлаштиради. Шу нуқтаи назардан туркий адабиёт вақилларининг асарларидан намуналарни ҳукмингизга ҳавола этаётимиз.

Мухтор ШАХАНОВ,
Козогистон ва Қирғизистон Республикалари халқ шоири

ТУШУНИШ НАЗАРИЯСИ

Бу юрт аро қалам қуйиб ҳаётнинг чунг кемаси, Келишмоқда, кетишмоқда куп истеълод эгаси. Қора булут хона ичин босди деманг қақдан, Байроқ каби дилмизда ҳилпиратан сузлари. Лев Толстой куз юммоқда эди ахир ҳаётдан, Естиклоши қулин ушиб, бузлади: «Ярим аср умрим торин кетади бир мунг чашиб, Сени бироқ азоблади ёмон феълим — асирим. Сенга қилган гуноҳларим куп эди-я шунчалик, Кечира қол, Кечира қол, асирим! Шу дам яна ўз танида бир оғирлик ҳис қилиб, Улут инсон пичирлади — Ич-ичидан эзилди: «Бас, йиғлама, Очилиб ҳам битди ҳаёт — гул-ғунча Бас, йиғлама, Куз епингни еганим йук мен тилаб, қочдим сендан... сенга яқин юргунча, Афзал курдим йироқларга кетмоқликни тентираб. Бир дунча армоним бор гузал куклам фаслида Мен боқкиш



Эгамберди ЭРМАТОВ
Қирғизистон

ВОДИЛ ҚИШЛОҒИДАГИ ЧИНОР

— Бу чинор неча ешайкин?
— Ким билди? Искандар
Зулқарнайин бунинг соясида дам олган дейишди...
САҲАТЧИЛАР суҳбатидан

Минг-минг йилни қат-қатига сингдириб, Чучимасдан табиатдек ботирлан.
Барлош бериб, сон-саноксиз синонга, Улкан чинор шовуллайди хотиржам.
Илдизи курч, шу даракнинг остида, Айтинг қанча улут зотлар бўлмаган?
Зулқарнайин, Ибн-Сино Темура ҳам Бу оламнинг чигаллигин уйлаган.
Янроқлари тушин тутган, җумилган.
Күш эса осмон узра парпираб, Инсон зоти улмас бўлиб куринган.
Чинор асли шохи билан баҳайбат Кукка боқар, мағрурлиги аёнчир.
Она замин боши узра кутарган, Боқийлиги-томирида баёнчир.
Шу илдизлар етти қават тупроқни, кучоқлаган, панжалардай таралган.
Она ерни даст кутарган алпардай Туйнуги йук зимистонга қамалган
Бизнинг ота-боболар ҳам бир вақтлар Шу чинорнинг эпкиннида қолгандир.
Қаноти бор тупроқларни боғлашди, Ундан қувват, ундан сабоқ олгандир.
Водилдаги улкан чинор остида Қалпоғимни қулга олиб бўлайман.
Юрт тарихин фикран дилдан утказиб, Фақат илдиз тугрисида уйлайман.
Одам агар юксакларни қузласа, Чинордайн шох-шаббасин тенг ёйсин.
Баҳра олиб, күш, тупроқ ва сувдан, Томирларин ер қаърига кенг ёйсин
Асрга тенг, қондош эл тарихидан, Озик олиб турмас экан илдизинг.
Тузонларга дош беролмай, тез суниб, Лип-лип этиб учиб қолгай юлдузинг...

МИРТЕМИР

Миртемир хушрўй эди, содда эди
Гиркуқдай учқур бедов — отда эди
қозоқ, қирғиз, туркманга яқин оға,
Езгани тил қотида — едда эди.

Миртемир халқдан илҳом олар эди
Шамдайин куяр эди, ёнар эди.
Миртемир Уш, Толасин тавоб қилиб,
Қимиз билан қимронга қонар эди.

Миртемир шеър дарлида қуйиб утди.
Ғоҳи йиғлаб, ғоҳида қулиб утди.
Шеъринг осмонда мажнун бўлиб,
Бир умр Мажнундайин суйиб утди.

Шеър — юрагин кубиздай чертиб юрди,
Ебонларда ҳаёлан тентиб юрди.
Миртемир шон-шухратинг қули бўлмай,
Шон-шухрат Миртемирга эриб юрди.

Миртемир жушқин дарё, серфайё жилга,
Яйраб юрлмадик яшаб бирга.
Менгайман осмон утган чўққиларини,
Покломон, улут шоир Миртемирга.

Қирғизчадан ТУРСУНБӨЙ
АДАШБӨВЕВ ўйрган

Фозил Хусни
ДОҒЛАРЖАК
(Туркия)

ТУҒИЛИШ

Туғилади ҳар кеча
Қатта янроқларнинг кур
уйқусинда
Туғилар бир кучли
санчик ичинда дада
Кечанинг
Тоғу тошу
Сувнинг
Ут ва оташ учган вақтида
Туғилар Африка
урмонларидаги
қоратанли
Коп-қора эт купиклай
жимирлаб
Коп-қора эт қимирлар
Коп-қора этлининг
ховучларинда
Қимирлаб бирдан-бир
Озодлик!

МЕНГА КУРА

Менга кура тоғ
Елғиздир
Тоғта кура мен
Уйқусиз
Мен Тоғта
Тоғта
Кура
Телбаман
Тоғ
Менга
Кура
Оч
Тоғта кура мен
Чузилмайман
Баландмасан
Тоғ менга кура
Хоҳлаган ерга боролмас

ХИДОЯТ
(Озарбайжон)

ҚУБИСТОН

Қурдим илк бор тошнинг
муъжизасини,
Узимни тошларнинг
авлоди билдим.
Тингладим тарихнинг тош
нағмасини,
Мен тошларга дундим,
тошдан айландим.
Китоблар йук экан,
тошлар китобмиш!
Инондим,
Бош эдим бу ҳақиқатга.
Инсон қоялардан тарих
яратмиш
Узи қовушмоқ-чун
абадиятга!

Тошларда намоён эди
улут жаҳон,
Очун тиллашбидир
расмлар билан.
Ун турт минг йилдиқки,
йул босар қарвон,
Сарбон, турналар ҳам
йулдадир ҳамон.

Тошларни қадимий,
ленгизми қадим?
Чучук чашмаларга
қушилдим, оқдим.
Бу ерда минг йиллар
қадимни эгдим,
Тарих қудуғининг
тубига боқдим.

Қурдимки,
Унда ҳам яқин-ёмон бор,
Унда ҳам муҳаббат,
нафрат, қул, уруш...
Тош фақат ўтмишдан
эласидир ёлғор,
Улут қариндошдир инсон
ила тош.
Рустам Мусурмонов
таржимаси

Маъруф ЖАЛИЛ (Ўзбекистон)

ИСТИҚБОЛ

Ғоҳ опкор қуйлаганим,
Ғоҳ пинҳон суйлаганим,
Ғоҳ дуппини олиб, бош қашиб уйлаганим,
Бобурни сарсон қилиб чорлаган иқбол каби,
Сен менинг иқболимсан, қорақошим, истиқбол.

Биров олдимда қулиб, таъна қилар ортимдан,
Биров ол бўлса, бироқ қуйнарди дардимдан.
Дилда биргина умид ёлғиз сендай мардимдан,
Қарам қилиб бағринга ол, қардошим, истиқбол.

«Истиқболим қайда?» деб йуртиб кетиб борурман,
Сафарим захматларин қушиқ айтиб борурман.
Эгатларни оралаб бир кун етиб борурман,
Майли билмасанг билгин, сен бардошим, истиқбол.

Энди тукин юртимда чанг, тупроқ йуллар қайда?
Янтоқ гуллаб қамғоқлар юрган чўллар қайда?
Кузетдан бағри қону еқаси йуллар қайда?
Барин суратлаб берай, кел, сирдошим, истиқбол.

Сен менинг терлаб-пишиб қилиб турган ишимсан,
Мақтов, муқофотлардан йуқолмаган хушимсан.
Кунлимга дада берган ҳар тонгдаги тушимсан,
Пешонамга битилган Ерилтошим, истиқбол!

ТУШУНОЛМАДИМ

Лола, сени билолмадим, тушунолмадим,
Шунча кездим, англаш учун босдим қанча йул.
Куп алашдим, аммо уша йулдан қолмадим,
Ишонч ғумон уртасида яшалим нуқул.

Мовий умид осмонда парвоз этган қуш —
Менинг қомил умилларим қулади ерга.
Қилмишингни эслаганда бошдан учар хуш,
Хижолатдан бутун вужуд тушади терга.

Икки ени даррахт усан йул бўлса умринг,
Ин қуришиб, чугур-чугур сайра қушлар.
Тонгдай чукур туйту берса, фикр берса кенг,
Хушин йиғиб олса ундан утган беҳушлар.

Уз айбини англаб етса унда додонлар,
Беғам унда оқ-қоранинг фарқига етса.
Янги либос киймасою эски армонлар,
Дағдағали булут каби тарқалиб кетса.

Аммо сени бу туйғулар безовта қилмас,
Сен уйлайсан кеча-кундуз ёлғиз узингни.
Эҳтимом мен янгилашарман, шундай бўлса бас,
Қалбингни оч, мен эшитай юрак сузингни.

На унга, на бунисига чидайсан, нечун,
Нечун? — дейман. Бир садо йук. Кунлигим тулмади.
Шуни уйлаб куним тундир, туним булди кун,
Лола, сени билолмадим, тушунолмадим.

КУТИШ СОҒИНЧИ

Беҳуда гамларни, рағжу аламларни,
шубҳа, ғумонларни
Қандай қилиб юрагиндан чиқарсам экан.
Нима қилсам экан
боғимда яйраб,
булбулдай сайраб.

Хушвақт бўлиб юрмоғинг учун.
Одамни қузмига зимистон қилган
рашк тутунинг
газаб утини
Фироқ емгирлари учирдимикан,
Нола қилар қалбим
сени суроқлаб,
висолин чоғлаб Соғинчи билан уртаниб тун-кун
Дамба-дам хурсинар энтиқиб,
Кучага боқадим интизор,
«Ҳозир келиб қолар, ҳозир келар», деб.
Сунгра «топиб бер», деб қилади безор,
Булдиб утган гапни унутиб.

Отамурод ОТАБӨВЕВ
(Туркменистон)

САРВИМ


Йиғламай кет, нега керак йиғламоқ?
Артгин күзешингни қузингдан, сарвим.
Йиғимни билдирмай турдим мен узок,
Сен ҳам куч-мадор топ тузимдан, сарвим.

Йуқотиб юрагим, йуқотиб ақлим,
Сен энди-энди... омонат топдим,
Муҳаббат, бахт эмас, қаноат топдим.
Меҳр нури чайилган юзингдан, сарвим.

Ёмғир ёғди, чор теварақ эзилди,
Кипригинга оқ томчилар тизилди,
Кучоқладим, зар мунчоғинг узилди,
Узим узилмайин узингдан, сарвим.

Кунгил бердим, ғариб дилни овладим.
Толемни толеингга боғладим,
Йиғламай кет, англамай кет... йиғладим.
Билдирмайин дедим қузимдан, сарвим.

Музаффар АҲМАД таржимаси



Ширин ХОЛМУРОДОВА,
(Қорақалпоғистон.)

ОНА МАКОН

Оқ терагинг осмон билан сирлашар
Ботингда андалиб сайрайди хушхон.
Жонбаста гузаллик гузаллигинга
Менинг она юртим — жонфизо макон.

Уйласам олдимда буласан пайдо,
Дунё барнодиги сен турган жойда.
Булбулларга ҳамроз бўлиб улайдим,
Сенсиз менга ёшлик даврони қайда?

О, менга қалдрон тукқан маконим,
Юрагим қуриши сенга тутарман.
Менга илҳом берган азиз тупроғим,
Бир умр телбавор суюб утарман.

МЕН СИЗДАН РИЗОМАН

Бисер хушрўй сен юрган излар,
Талпини зор кунлигим тинмай.
Севги майи лим-лим идишдан
Қониб ичлик қалаҳлар синмай.

Бунча сулув тоғлар қояси,
Яшилзорлар тўшалиб етар,
Минг синоат гул-ғиеҳи,
Бизлардан сунг қанча тонг отар.

Ойна каби яндоқ сув ҳамроз,
Абсоқлави уйга чўмланмиш.
Ул лаҳзалар келмағай қайтиб,
Бу лаззатни бериб қуйганмиш.

Қулгимда инграйдим ҳамон
Жоним дея айтилган бир суз.
Ким не деса дейверсин, инон,
Менинг учун узингсан азиз.

Боқира қалб билан севдингми...
Бироқ ишонмайман, сен узинг тушин.
Ул фарқли кунлар хурмағи
Минг ризоман ҳаммаси учун.

Чин қунидан сийлаганларинг,
Қуйиб, суғиб қийнаганларинг,
Алдаган, алданган кунларим ҳаққи
Мен сендан ризоман ҳаммаси учун.



Ушнинг кўлидаги фонтан

4

«Узимни удираман, бошқа йул йўқ!»
Минг йиллик чинор тирайди, уни қўрқув босади...

дир бўлмасди. Қандай қилиб шаробхўрлик қилдим, шу куйга тушдим...

Бул Темурнинг инсонийлиги унга ёққан дурким, бутун ҳамма уни демоклардур.

— Уғлим, Темур, ҳукмдорлик Оллоҳ берган энг улуг нёсмадур...

Тулқин ҲАЙИТ
КОВАКДАГИ ЙИГИТ

(Ҳикоя)

Шамол увиллаб дод солади, кўхна чинорнинг гирчиллаши қари чолнинг йўталидек юракни тилгайди.

Бахтимга қарши, дукондор барвақт уйига кетиб қолган экан: у ёққа зир югурдим...

дан топиб буларканми, юргандир-да қаерладир. Ён-атрофига синчиклаб разм соларкан...

Уқдингизми?
— Уқдим, ҳазрат, уқдим!
Халқ билан аҳдлашув маъросими бошланди. Темурни

«Тавба қилдим!»
Олам бошига оқ шол румол солади: кук хира, ковак ичи совуқ қаёр гўе...

Одамлар-о, одамлар!
Тодга битан бодомлар!
Эшитмадинг десаңглар!

— Булди, байроқни Темур олиб кетди, кимнинг сайланиши маълум...

«Обуна-97» «Обуна-97» «Обуна-97» «Обуна-97» «Обуна-97» «Обуна-97»

Ушнинг кўлидаги фонтан
Ушнинг кўлидаги фонтан
Ушнинг кўлидаги фонтан

— Сиз гуноҳдор эмасиз, уғлим! — деди нотаниш киши уша самимий оҳангда...

— И-ҳа, шу кишимми? Узиям пиреифат чол экан.

«Биз бирга бўлурмиз...»

Ушнинг кўлидаги фонтан
Ушнинг кўлидаги фонтан
Ушнинг кўлидаги фонтан

— Сиз гуноҳдор эмасиз, уғлим! — деди нотаниш киши уша самимий оҳангда...

— И-ҳа, шу кишимми? Узиям пиреифат чол экан.

«Биз бирга бўлурмиз...»

Ушнинг кўлидаги фонтан
Ушнинг кўлидаги фонтан
Ушнинг кўлидаги фонтан

— Сиз гуноҳдор эмасиз, уғлим! — деди нотаниш киши уша самимий оҳангда...

— И-ҳа, шу кишимми? Узиям пиреифат чол экан.

«Биз бирга бўлурмиз...»

Ушнинг кўлидаги фонтан
Ушнинг кўлидаги фонтан
Ушнинг кўлидаги фонтан

— Сиз гуноҳдор эмасиз, уғлим! — деди нотаниш киши уша самимий оҳангда...

— И-ҳа, шу кишимми? Узиям пиреифат чол экан.

«Биз бирга бўлурмиз...»

Ушнинг кўлидаги фонтан
Ушнинг кўлидаги фонтан
Ушнинг кўлидаги фонтан

— Сиз гуноҳдор эмасиз, уғлим! — деди нотаниш киши уша самимий оҳангда...

— И-ҳа, шу кишимми? Узиям пиреифат чол экан.

«Биз бирга бўлурмиз...»

Муассис:
ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИНИНГ «КАМОЛОТ» ЖАМГАРМАСИ
Ҳомий:
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ «МАТВОУТ ТАРҚАТИШ УЮШМАСЫ» АССОЦИАЦИЯСИ

Бош муҳаррир
Абдуқодир НИЁЗОВ
Навбатчи муҳаррир: Суннат АЗЛАРОВ,
навбатчи: Феруза ОРИПОВА.

ТАҲРИРИЯТ:
Қабулхона — 36-56-58, 33-95-97;
Тел. бўлими — 36-54-64;
Чопхона бўлими — 33-79-69;
Ижодкор ишчи бўлими — 36-54-64;
Спорт, харбий ватанпарварлик бўлими — 36-58-93, котибият — 36-58-48.

ТАҲРИРИЯТ:
Қабулхона — 36-56-58, 33-95-97;
Тел. бўлими — 36-54-64;
Чопхона бўлими — 33-79-69;
Ижодкор ишчи бўлими — 36-54-64;
Спорт, харбий ватанпарварлик бўлими — 36-58-93, котибият — 36-58-48.

«Биз бирга бўлурмиз...»
Дустингиз борми, сирдошингиз-чи? Ҳамфикр, маслаҳатгўй, маслаҳатдошингиз-чи?
Йўқ-йўқ, биз шуккуҳли кунларда, пунишдек, оғир дамларда қалбингизга узининг энг самимий сўзлари билан малҳам бўла оладиганларни назарда тутяпмиз.

ТУРКИСТОН МЕРОСИ
Лондоннинг Британия, Виктория ва Альберт музейларида, шунишдек, Британия кутубхонасида Марказий Осиё давлатчилиги тарихига оид нодир ашёлар ва китоблар сақланмоқда.

АҚШГА ЎҚИШГА
АҚШ ҳукумати «Озоликни қўллаб-қувватлаш фаолияти» дастурини эълон қилиш шарофига муассардир. Бу дастур АҚШ ҳукумати томонидан моддий таъминланади.

Конкурда қатнашувчиларни қуйидагилар талаб қилади:
— Ўзбекистон фуқароси бўлишлари керак;
— 1981 йил 1 январдан 1982 йил 15 июлгача бўлган даврда тутилганлар;

Манзилимиз:
Тошкент шаҳри, Фурқат кўчаси, Республика ўқувчилар саройи, 5 ҳона.
АКСЕЛС
Телефонларимиз: (3712) 45-42-71, 45-49-54.

Муаллифлар фикри таҳририят нуқтани назардан фарқлашни мумкин.
Реклама ва эълонлар учун тел.: 33-95-97, 33-79-69.